

Navoiy viloyat Adliya
Boshgarmasi Navoiy shahar
Tadbirkorlik sub'ektlariga davlat
xizmatlarini ko'rsatish

“YAGONA DARCHA” markazi

2017 yil “ 10 ” 11/01/17

№ 46 sonli

reestr ragami bilan



«RO'YXATGA OLINGAN»

RO'YXATDAN O'TKAZILDI

“Qizilqumsement”
aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlarining
2017 yil 27 iyundagi umumiy
yig'ilishida



«TASDIQLANGAN»

“QIZILQUMSEMENT” aksiyadorlik jamiyati USTAVI

Navoiy shahri – 2017 yil

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.
- 1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш қўмитасининг 1994 йил 23 декабрдаги 763к-ПО сонли буйруғига мувофиқ «Навоийцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Навоийцемент» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантириш йўли билан ташкил этилган ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.
- 1.3. “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти (матн давомида Жамият деб номланади) номи ўзгариши ҳисобига «Навоийцемент» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Қизилқумцемент” очиқ турдаги акциядорлик жамияти Ўзбекистон - Испания қўшма корхонаси ва “Qizilqumsement” очиқ акциядорлик жамиятлари вориси ҳисоблананди.
- 1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:
- Ўзбек тилида:
- лотин алифбосида – “Qizilqumsement” aksiyadorlik jamiyati;
 - кирилл алифбосида – “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти;
- Рус тилида:
- акционерное общество “Qizilqumsement”;
- Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи:
- Ўзбек тилида:
- лотин алифбосида – “Qizilqumsement” AJ;
 - кирилл алифбосида – “Qizilqumsement” АЖ;
- Рус тилида:
- АО “Qizilqumsement”.
- 1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.
- 1.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 1.7. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган

юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

- 1.8. Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.
- 1.9. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.
- 1.10. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.
- 1.11. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.
- 1.12. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий Жамият фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.
- 1.13. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.
- 1.14. Жамиятда акциядорларнинг эга бўлган улуши, даромади, жинси, ирқи, дини, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъий назар бир ҳил муносабат таъминланади.
- 1.15. Жамият жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210103, Навоий вилояти, Навоий - 3.
- 1.16. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@qizilqumsement.uz.
- 1.17. Жамиятнинг корпоратив масалалар бўйича мурожаат қилиш электрон почта манзили: akmb@qizilqumsement.uz.
- 1.18. Жамиятнинг расмий вэб – сайти: www.qizilqumsement.uz.

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

- 2.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишдир.
- 2.2. Жамият акциялари баҳосини кўтарилишига олиб келувчи молиявий барқарорликни ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш, экспорт ва энергосамародарлик кўрсаткичлари ошиши,

модернизация, техник ва технологик янгиланиш Жамиятнинг стратегик мақсади ҳисобланади.

2.3. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- цемент, қадоқланган цемент ва мрамор плиталарни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- тижорат фаолияти, ташқи иқтисодий фаолият;
- автотранспорт хизматлари ва ишлари;
- қурилиш-монтаж, таъмирлаш фаолияти;
- экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, маркетинг ва лизинг ишларини олиб бориш;
- топография, геология, геодезия ва маркшейдер ишларини амалга ошириш ва хизматларини кўрсатиш;
- ҳамма турдаги фойдали қазилмалар юзасидан геология – разведка ишларини олиб бориш, ҳамда лойиха – смета ҳужжатларини тузиш;
- фойдали қазилма жойларини ўзлаштириш, ҳамда техник лойиха тузиш;
- товар маҳсулоти олингунга қадар фойдали қазилмаларни қайта ишлаш;
- жисмоний ва юридик шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш, яъни маиший, йуловчиларга транспорт хизмати, алоқа хизмати, уй – жой хўжалиги бўйича, маориф соҳаси бўйича, маданий хизмат, саёҳатчиларга экскурсия хизмати, физкультура ва спорт бўйича, санатория-курорт ва соғломлаштириш бўйича, коммунал хизмати бўйича;
- фирма дуконлари тармоғини очиш ва ташкил этиш, ўз маҳсулотлари ҳамда товарларни, шу жумладан бошқа ташкилотлар ва хусусий корхоналардан шартнома асосида сотиб олинган маҳсулотлар ва товарларни улгуржи ва чакана нархларда сотиш;
- халқаро бизнес, қўшма корхоналарни тузиш, божхона ва солиқ қонунчилиги соҳасига доир маслаҳат – консалтинг хизматлари, юкларни декларациялаш ва божхонада расмийлаштириш борасида хизматлар кўрсатиш;
- металл конструкциялари, асбоб-ускуналар, қурилиш конструкциялари, сантехника, дурадгорлик, темир – бетон буюмларини тайёрлаш, йиғиш ва сотиш, электромонтаж ишларини бажариш;
- корхона эҳтиёжи ҳамда истеъмолчилар учун, металл прокат, иккиламчи қора металл ва рангли металл чиқиндиларидан қуйма бутловчи буюмлар (маҳсулотлар) ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- металконструкция буюмларини тайёрлаш, йиғиш ва сотиш;
- гипсокартон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- охактош ишлаб чиқариш ва сотиш;
- барча турдаги юк кўтариш кранларига техник хизмат кўрсатиш, демонтаж-монтаж қилиш, таъмирлаш ва созлаш ишларини олиб бориш;
- барча турдаги лифтларга техник хизмат кўрсатиш, демонтаж-монтаж қилиш, таъмирлаш ва созлаш ишларини олиб бориш;
- барча турдаги эксковаторларга техник хизмат кўрсатиш, демонтаж-монтаж қилиш, таъмирлаш ва созлаш ишларини олиб бориш;
- баландликга саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш;

- мамлакат ичкарисиди ва хорижда воситачилик ва вакиллик фаолиятини олиб бориш;
- биржа ва брокерлик фаолияти, маркетинг хизматлари ва бозордаги талаб ва таклифни ўрганишга доир тадқиқотлар;
- транспорт-экспедиция хизматлари, омбор хўжалигини ташкил этиш ва юриштиш;
- барча русумли автомобилларни, шунингдек, қурилиш техника воситаларини сотиб олиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда сотиш;
- мамлакат ҳудудида ва хорижда лойиҳа, таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш, корхоналарга, жумладан, янги қуриладиган ва қайта жихозланаётган корхоналарга ишлаб чиқариш – техникавий йўналишдаги хизматларини кўрсатиш;
- дизайнерлик, таъмирлаш-реставрация, безаш ишларини амалга ошириш;
- ўрмон, ёғочсозлик, лак-бўёқ маҳсулотлари, қувурлар ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш;
- савдо-харид фаолияти, чакана, майда улгуржи, улгуржи савдо, воситачилик ва тижорат савдоси, консигнация шартларидаги савдони йўлга қўйиш;
- қишлоқ хўжалик, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, уларни буюртмачига етказиб бериш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш, ҳамда наслчилик ишлари, сервис хизмат кўрсатиш ва озуқа базасини яратиш;
- ошхоналар, кахвахоналар, ресторанлар, кемпинглар, умумий овқатланиш ва сервис шаҳобчаларини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва ярим фабрикатлар савдосини йўлга қўйиш;
- иккиламчи хом ашёни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ташиш;
- савдо кўргазмалари, намоиш-ярмаркалар, кимошди савдоларини уюштириш;
- меҳмонхона хизматларини, жумладан, чет эллик меҳмонларга меҳмонхона хизматларини кўрсатиш, барча тегишли хизмат – қулайликларга эга бўлган меҳмонхоналарни ишлатиш ва фойдаланиш;
- таржималар, машина ёзуви ва нусха кўчиришга доир хизматлар кўрсатиш;
- тиббий, жисмоний ва маданий соғломлаштириш соҳасига доир хизматлар кўрсатиш, тиббий асбоб – ускуналар, дори – дармонлар, гомеопатик – доривор ўсимлик препаратлари, боғлаш воситалари, касалларни парвариш қилиш ашёларини сотиб олиш ва сотиш;
- дорихоналар ва фармацевтика ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва фойдаланиш;
- автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш, ёқилги қуйиш шаҳобчаларини барпо этиш ва фойдаланиш
- Электр ускуналарини юқори кучланиш синовидан ўтказиш ва ўлчаш;
- Электр ускуналарини таъмирлаш ва созлаш;
- цемент ва унинг асосида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- гишт, жумладан ўтга чидамли ва бошқа турдаги махсус гиштларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қурилиш-таъмирлаш ишларни олиб бориш ва хизматларини кўрсатиш;
- асфальт ишлаб чиқариш, ётқизиш ва сотиш;

- темир йўл хизматларини кўрсатиш;
- шағал тош ишлаб чиқариш ва сотиш;
- харсанг тош ишлаб чиқариш ва сотиш;
- полиэтилен, полипропилен, мато ва қоғоз қоп ишлаб чиқариш ва сотиш;
- кислород баллонларни тўлдириш ва сотиш;
- газ баллонларни тўлдириш ва сотиш;
- корхонадаги ва шахсий автоуловларни газ билан тўлдириш ва сотиш;
- маиший баллонларни газ билан тўлдириш ва сотиш;
- электрод ишлаб чиқариш ва сотиш;
- шифер ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ун ишлаб чиқариш ва сотиш;
- балиқчилик хўжаликларни яритиш, интенсив балиқ етиштириш ҳамда увилдирик, чавок, балиқ ва балиқчилик маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш;
- пахта чигитидан (ўсимлик мойи, кунжара, совун ва бошқа) маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш.

2.4. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

2.5. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, компаниялар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди 702 601 533 000 (етти юз икки миллиард олти юз бир миллион беш юз ўттиз уч минг) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 570 (бир минг беш юз етмиш) сўм бўлган 447 516 900 дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

3.3. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

3.4. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

- 3.5. Жамият Устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни жамият Уставига киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 3.6. Қўшимча акциялар фақат жамият уставига белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.
- 3.7. Акцияларнинг чиқарилишида эмиссия рисоласини тасдиқлаш ва акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилиш ва ушбу ҳужжатларга ўзгартиришлар матни тасдиқлаш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.
- 3.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.
- 3.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.
- 3.10. Жамият томонидан қўшимча акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

- 3.11. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисmini Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 3.12. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган устав фонднинг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.
- 3.13. Устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 3.14. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондни камайитириш сабабларини кўрсатади ва уни камайитириш тартибини белгилайди.

4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

- 4.1. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 1 570 (бир минг беш юз етмиш) сўм бўлган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

- 4.2. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг Умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.
- 4.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.
- 4.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 4.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 4.6. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.
- 4.7. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 4.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.
- 4.9. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.
- 4.10. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч булмаслиги лозим.
- 4.11. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 4.12. Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар Жамият томонидан тўланмаган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

- 4.13. Уч йил мобайнида талаб қилиб олинмаган дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан Жамият ихтиёрида қолади.

5. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

- 5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.
- 5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.
- 5.3. Жамият устав фондининг 15% фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.
- 5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказилади.
- 5.5. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.
- 5.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.
- 5.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича Жамият активлари ва унинг мажбуриятларининг умумий миқдори орасидаги фарқ сифатида аниқланади.

6. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

- 6.1. Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат – Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор).
- 6.2. Жамият акциядорлари, Бошқарув ва назорат органлари ўртасидаги муносабат ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамоиллари асосида амалга оширилади.
- 6.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ўз вазифаларини профессионал, ақл идрок билан қонунчилик, мазкур устав ва Жамият бошқарув органлари қарорлари асосида бажариши шарт.

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

- 7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.
- 7.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

- 7.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.
- 7.4. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 65 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.
- 7.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қоида тариқасида ҳар йилнинг апрель – июнь ойларида ўтказилади.
- 7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
- 7.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
- а) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
 - б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
 - в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - г) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - е) Жамиятнинг устав фондини (капиталини) кўпайтириш;
 - ж) Жамиятнинг устав фондини (капиталини) камайтириш;
 - з) ўз акцияларини сотиб олиш;
 - и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шу жумладан, Бош директорни ўрнатилган тартибда республикамиз ва хорижий менежерлар орасида ўтказиладиган танлов асосида тайинлаш;
 - к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
 - л) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
 - м) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
 - н) Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
 - о) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
 - п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- р) мустақил профессионал ташкилот-маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойиҳаларни Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлигини ҳар йили таҳлил қилиш;
 - с) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - т) кундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимларни белгиларини аниқлаш;
 - у) ўз ваколати доирасида Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
 - ф) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларда, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.
- 7.9. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.
- 7.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.
- 7.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳал этилмайди.
- 7.12. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 7.13. Акциядорлар умумий йиғилиши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширади.

8. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

- 8.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.
- 8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишигачан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат. Шундан 2 нафари мустақил (даҳлсиз) аъзоларни ташкил этиш керак. Номзодлар даҳлсизлигини аниқлаш, уларни таклиф этиш ва сайлаш тартиби қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.
- 8.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам

- равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
 - акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
 - акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
 - мол-мулкнинг бозор кийматини белгилашни ташкил этиш;
 - Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
 - ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва уларга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, шунингдек ҳар чорақда унинг хисоботларини эшитиб бориш;
 - Жамият ижроия органининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
 - аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига туланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
 - дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - Жамиятнинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;
 - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
 - аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
 - Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - Жамиятнинг Бош директориға тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
 - Жамият корпоратив маслаҳатчиси (котиби) хизматини ташкил қилиш, тугатиш, тайинлаш, у тўғрисида низом тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган миқдорда хомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки ижро органининг хомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш;
 - ўз ваколати доирасида Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
 - Жамият заруратлари ва амалдаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда Жамиятнинг таркибида, жумладан Кузатув кенгаши қошида қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа бўлинмалар тузиш ҳамда уларнинг фаолияти ва корпоратив бошқарувни амалга ошириш мақсадида Низомлар ва қоидалар тасдиқлаш.
- 8.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 8.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.
- 8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.
- 8.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаши раисининг муовини ёки аъзоларидан бири амалга оширади.
- 8.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.
- 8.9. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жами бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгашининг йиғилишини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 8.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 8.11. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув

кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

- 8.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига, уларнинг ўз вазифаларини бажариш вақтида уларга маош, мукофот ёки Кузатув кенгаш аъзолари вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун пул тўланади.
- 8.13. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

9. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

- 9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яқкабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.
- 9.2. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва тезкор раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.
- 9.3. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.
- 9.4. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади) ва у билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.
- 9.5. Акциядорларнинг вакили сифатида ҳаракат қилаётган ижро органи аъзолари ижро органи аъзоларини сайлаш масалалари бўйича овоз беришга ҳақли эмас.
- 9.6. Бош директор лавозимида Кузатув кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистон ва хорижий менежерлар орасида танлов эълон қилиниши мумкин. Унинг шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
- 9.7. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.
- 9.8. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 9.9. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.
- 9.10. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
 - Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
 - Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
 - Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида битим тузиш (кундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно);
 - Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
 - штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
 - Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
 - Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
 - жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
 - ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
 - Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
 - амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
 - ўз ваколати доирасида Жамиятнинг ички хужжатларини тасдиқлаш;
 - амалдаги қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш.
- 9.11. Бош директор ўз фаолиятини амалга оширишда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
- 9.12. Бош директор қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.
- 9.13. Бош директорнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари, ижтимоий кафолатлари, масъулияти ва меҳнат шартномасини тугатилиши у билан тузиладиган меҳнат шартномаси билан аниқланади.
- 9.14. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Бош директор тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

10. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

- 10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.
- 10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур устав билан белгиланади.
- 10.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.
- 10.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.
- 10.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.
- 10.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.
- 10.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчиликка) кетма – кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.
- 10.8. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.
- 10.9. Агарда тафтиш комиссияси аъзолариги номзодлар сони 3 нафардан кўп бўлса, аъзолар кумулятив тарзда сайланади.

б) Ички аудит хизмати

- 10.10. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.
- 10.11. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Бош директори, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган

қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

- 10.12. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибга ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган "Жамиятининг ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом"ига мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

- 10.13. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.
- 10.14. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

г) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси (котиби) хизмати

- 10.15. Жамиятда корпоратив қонунчиликка риоя этилишини ўз ваколат доирасида назорат қилиш мақсадида корпоратив маслаҳатчи (котиб) хизмати ташкил қилинади. Ушбу хизмат акциядорлар ва инвесторлар билан алоқа қилиш учун ҳам масъулдир.
- 10.16. Корпоратив маслаҳатчи (котиб) хизмати Жамиятнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Кузатув кенгаши қарори билан Жамият ихтиёжидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади ва тугатилади.
- 10.17. Корпоратив маслаҳатчи (котиб) Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган «Жамиятининг корпоратив маслаҳатчиси (котиби) тўғрисидаги Низом»и асосида фаолият кўрсатади.
- 10.18. Корпоратив маслаҳатчи (котиб) вазифасини жисмоний шахс (шахслар) ёки шартнома асосида юридик шахс бажариши мумкин.
- 10.19. Корпоратив маслаҳатчи (котиб) бевосита Кузатув кенгашига бўйсунади.

11. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ

- 11.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.
- 11.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.
- 11.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув

кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

- 11.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг Бош директори, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.
- 11.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;
 - миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;
 - қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.
- 11.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.
- 11.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони жамият уставига белгиланади.
- 11.8. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.
- 11.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.
- 11.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- 11.11. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.
- 11.12. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.
- 11.13. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.
- 11.14. Миноритар акциядорларнинг қўмитасини фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар Жамият ҳисобидан амалга оширилади.

- 11.15. Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асоссиз талаб қилиш, махфий ахборот ёки тижорат сири бўлган маълумотлардан фойдаланиш йўли билан Жамият бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши ман этилади.

12. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

- 12.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.
- 12.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бошқаруви зиммасида бўлади.
- 12.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.
- 12.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкӣ манфаатлар негизда боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.
- 12.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.
- 12.6. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

13. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

- 13.1. Устав буйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.
- 13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд оркали ҳал қилинади.
- 13.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.
- 13.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

11.15. Мижозлар акциядорлар ҳужжатларни асосан талаб қилиш, махфий ахборот ёки хизмат сирри бўлган маълумотлардан фойдаланиш йўли билан Жамият бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши манъ этилади.

12. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ХИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

12.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юзатиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

12.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини тўғри эшитиш, унинг юзатилиши, тақдими органларга ҳар йилги ҳисоб-китоб ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқаларга жамият фаолиятига доир маълумотлар олиниши учун ҳисоб-китоб қонун ҳужжатларига мувофиқ замирида бўлади.

12.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этилган ҳисоботларда, бухгалтерия балансидаги фойда ва зарар ҳисоб-китоб ва маълумотларнинг тўғри қилиниши жамиятнинг комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

12.4. Қўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олди йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун ёки акциядорлар билан мулкӣ манфатлар негизини аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

12.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик йўналишларидан бешадан камда 30 кун олдин Қўрсатиб ўтилган тарзда тасдиқланиши лозим.

12.6. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрдан тугайди.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Устав бўйича жазиб чиқадиган барча низо ва қарорлар акциядорларнинг ўзаро қўшилиши йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари мувофиқи асосан ҳал қилинади.

13.2. Низо ва қарорларнинг қарорни музокаралар йўли билан ҳал қилиниши бўлган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

13.3. Мазкур Устава Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қўллаб қўйилади.

13.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақдир қилинган барча қарорлар, қонунда бўлмаган ҳоллар назарда тутилмаган ҳолда ушбу Уставада қўрсатиб ўтилган тарзда қўллаб қўйилади.



Прошнуровано:
Пронумеровано:
4 листов

Генеральный директор:
И.о. Главного бухгалтера

[Handwritten signature]